



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2013 йил 10 июль, № 133 (5807)

Чоршанба

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, муस्ताқил Ўзбекистон!

Истиқлол сурури

Бир пайтлар куш учса қаноти, одам юрса
оёғи қуядиган чўлу биёбонда йирик иншоотлар
қурилиши у ёқда турсин, бир гиёҳ ё ниҳол
қўради, дейилса, ишониб бўлмасди.

БУНЁДКОР ЭЛ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Бугун эса қип-қизил саҳро бағрида қад ростлаган
мўъжаз шаҳарчалар, ийрик корхоналар, кўркам гузару
хийбонларни кўриб, кўзингиз қувонади.

Қоровулбозор шаҳридаги ўзгарши ва янгиланишлар
бунга бир мисол. Истиқлол туфайли ана шу гўша
чинакам бўстонга айланди. Шаҳардаги Бухоро нефтни
қайта ишлаш заводи айтмайсизми?! Бугун ушбу
гигант корхонада 3400 нафардан зиёд киши иш билан
банд. Мен ҳам ана шулар сафидан эканимдан
фахрланаман. Дарвоқе, ўғлим Аслонжон ҳам
шу заводда меҳнат қилаяпти. Кенжамиз
Аброржон эса корхонанинг уй-жойдан фойдаланиш
бошқармасида иши.

Баъзан ишдан қайтаётиб, юзлаб коттежлар барпо
этилган, бири-бирдан кўркам маданий-маиший
объектлар, шифохона, мактабу лицей бинолари қад
ростлаб турган шаҳарчамизга боқиб, “Бу тушимми
ёки ўнгимми?” деб қўяман. Айниқса, тунда чироқ-
лар ёғдусидаги Қоровулбозор ва нефтни қайта иш-
лаш заводи манзараси афсоналардаги жаннатмонанд
гўшани эслатади. Шунда халқимизнинг бунёдкорлик
салоҳиятига тасаннолар айтаман.

Зиёдулло ҲАМДАМОВ,
Бухоро нефтни қайта ишлаш унитар
корхонасининг асосий ишлаб чиқариш цехи
катта кузатувчиси, «Фидокорона хизматлари
учун» ордени соҳиби.

Ўзбекистон «The 2013 Global Family Policy Forum» халқаро анжуманида

Яқинда Америка Қўшма Штатларида
замонавий дунёда оиланинг тугган ўрни ва
аҳамияти, аънавий оилавий қадриятларни
тарғиб қилиш ҳамда уларни ҳимоялаш
мавзусига бағишланган «The 2013 Global Family
Policy Forum» халқаро анжумани бўлиб ўтди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Хар йили ўтказиладиган
ушбу аънавий халқаро
тадбирда Бирлашган
Миллатлар Ташкилотига
аъзо мамлакатлар
дипломатия миссиялари,
халқаро ноҳукумат таш-
килотларнинг вакиллари,
шунингдек, ижтимоий
масалалар бўйича экс-
пертлар қатнашди.

«The 2013 Global Family
Policy Forum» анжумани
доирасида мамлакатимиз-
нинг БМТ ҳузурдаги
доимий ваколатхонаси
томонидан Ўзбекистон
Республикасининг тақди-
мот маросими ташкил
этилди. Юртимизда му-
стақиллик йиллари мобай-
нида ижтимоий-иқтисодий
соҳада эришилган муваф-
фақиятлар, оила инсти-
тутини ҳар томонлама
қўллаб-қувватлаш, ёш
оилаларнинг турмуш тар-
зи учун қулай шарт-
шароитларни яратиш,
жамиятда аёлларнинг
ўрни юксалтириш йўли-
да олиб борилаётган сиё-
сат билан боғлиқ маълум-
отлар тақдимот ишти-
рокчиларининг эътибори-
га ҳавола қилинди.

Тадбир меҳмонлари
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам
Каримов ташаббуси

билан 2012 йили мамла-
катимизда ҳаётга татбиқ
этилган «Муштаҳкам оила
йили» Давлат дастури-
нинг мазмун-моҳияти
билан атрофлича таниш-
дилар. Таъкидлангани-
дек, мазкур дастур
доирасида кенг қўламли
ва тизимли ишлар олиб
борилди. Хусусан, амал-
даги ҳужжатларга ўзгар-
тишлар киритиш ҳамда
янги қонунлар қабул
қилиш орқали оилавий
муносабатлар масалала-
рини тартибга солувчи
меъёрий-ҳуқуқий пойде-
вор такомиллаштирилди,
она ва бола саломатли-
гини муҳофаза қилиш, ёш
оилаларни қўллаб-қувват-
лаш, кам таъминланган ва
кўп фарзандли оилалар-
га моддий ёрдам кўрсати-
ш тизимини янада
ривожлантириш бўйича
диққатга сазовор чора-
тадбирлар амалга оши-
рилди.

Тақдимот чоғида фуқаро-
ларнинг ўзини ўзи
бошқаришнинг ноёб
тизими — маҳалланинг
маънавий ва моддий
ёрдам ёрқини оила
институтини му-
стақамлашдаги ўрни
ҳамда аҳамиятига алоҳи-
да эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда).



“Хар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бу дунёга
бахтли яшаш учун келади. Бундай юксак орзуга етишнинг шартини
ва гарови бўлган омиллар кўп. Лекин улар орасида ҳаётимизга маъно-
мазмун берадиган, уни янада ёрғу ва файзли қиладиган бир омил
борки, у ҳам бўлса, одамнинг ўз уйи, ўз юртини ҳар томонлама гўзал
ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб, рози бўлиб яшашда яққол
намоён бўлади”.

Президентимизнинг ушбу сўзлари бугунги фаровон ҳаётимиз, ёрқин
келажак барпо этиш йўлидаги эзгу интилишларимиз, давлатимизнинг
бу борадаги инсонпарварлик сиёсати мазмун-моҳиятини теран ифода
этади. Зеро, халқимизнинг бунёдкорлик борасидаги салоҳияти, азму
шижоати ҳаётимизга файзу тароват бахш этмоқда.



Обод қишлоқлар — юрт кўрки

Мана, ҳадемай Муштақил-
қилгимизнинг 22
йиллигини катта шодиёна
билан нишонлаймиз. Ана шу
энг улғу, энг азиз байрамимиз-
га юртимизнинг барча
худоқуларида ҳозирданок қиз-
гин ҳозирлик кўрилмоқда.
Буни нафақат шаҳар ва туман
марказлари, балки олис-яқин
қишлоқларимизнинг тобора
обод ва кўркам бўлиб бора-
ётганида ҳам кўриш мумкин.
Бинобарин, давлатимиз раҳ-
барининг “Ўзбекистон Рес-
публикаси давлат мустақил-
лигининг йигирма икки йил-
лик байрамига тайёргарлик
кўриш ва уни ўтказиш тўғри-
сида”ги қароридан таъкид-
ланганидек, аҳолимизнинг

асосий қисми яшайдиган
қишлоқ жойларда муносиб
турмуш шароитини яратиш,
ижтимоий инфратузилма
тarmoқларини барпо этиш бўйи-
ча махсус давлат дастурлари
жорий этилаётгани, қишлоқ
жойларда намунавий лойиҳа-
лар асосида шаҳар шароити-
дан кам бўлмаган замона-
вий уй-жой массивлари ком-
плекс барпо этилаётганини
халқимиз ҳаётини янада фар-
овон қилишга қаратилган
ишларнинг амалий ифодаси,
дейиш мумкин.

Пойтахт вилоятининг Ўрта
Чирчиқ туманидаги Кумовул
қишлоқи кейинги уч-тўрт йил
ичида бутунлай янгича қиёфа
касб этди. Худудни кесиб

ўтувчи катта йўл тубдан
таъмирланиб, унинг икки ёқаси-
да боғ-роғлар, замон талаби-
га мос, кўркам инфратузилма
иншоотлари қад ростлади.
Аҳолини ичимлик суви ҳамда
электр энергияси билан бар-
қарор таъминлаш лойиҳалари
рўёбга чиқарилди. Кўчалар
ёруғ ва чарогон бўлди. Пас-
қам, лойшувок уй-жойлар
ўрнини эса пишиқ гиштдан,
замонавий типда барпо этил-
ган иморатлар эгаллади. Бун-
дай хайрли ишлар кўлами то-
бора кенгаймоқда. Негаки,
қишлоқ аҳли Кумовулни мам-
лакатимизнинг энг обод ва
кўркам қишлоқларидан бири-
га айлантиришга астойдил
бел боғлаган.

Қишлоққа кираверишда кўр-
тўккан ноёб меъморий ечим-
га эга яхлит мажмуа — вилоят
Маънавият ва маърифат
маркази ҳамда Хотира май-
дони эътиборингизни торта-
ди. Бу мажмуа бугунги кунда
кумовулликларнинг чинакам
фахру ифтихорига айланди,
десаки, хато бўлмади.
Майдонга замонавий ди-
зайн асосида қурилган маҳо-
батли арк орқали кирилади.
Унинг марказидан 500 ўрин-
ли томошагоҳ, ёшлар никоҳ
уйи, адабий-бадиий тўғарак-
лар ва ижодий кўргазмалар
зални ўз ичига олган муҳ-
ташам маданият саройи жи-
воланган. Бир тарафда вилоят-
нинг ҳар бир туман ва шаҳри

учун алоҳида нақшидор ай-
вонлар солинган. Уларнинг
ҳашаматли устунларию бежи-
рим равоқлари парктентлик,
зангиоталик, қибрайлик мо-
хир уста ва хунармандлар то-
монидан ишланган. Оралик-
да эса кенг саҳни, ноёб ман-
зарали дарахтлар экилган
яшил хийбон. Биллур фавво-
ралар, хоржиқ технологияси
асосида ташкил этилган ин-
тенсив мевали боғ майдонга
ўзига хос тароват бахш эт-
ган. Қувонарлиси, бу ўзга-
ришларнинг деярли барчаси
вилоят бунёдкорларининг
кучи, меҳнати билан, асосан,
ҳомийлар кўмағида амалга
оширилди.

(Давоми 2-бетда).

хабарлар

■ Марказий Осиёдаги энг йирик
иссиқлик электр станцияларидан бири
— Сирдарё ИЭСда навбатдаги истиқ-
болли лойиҳа амалга оширилди.

Буғ ёрдамида иситилади

Натижада корхонадан ажралиб чиқаётган
юқори ҳароратли буғ ёрдамида иссиқхона
хўжаликларини иссиқлик манбаи билан
таъминлаш имконияти юзага келди.
Айни пайтда электр станцияси яқини-
даги 12 гектар майдонда 4 та иссиқхона
хўжалиги ташкил этилмоқда. Улар тўлиқ
фаолият бошлагач, 80 та иш ўрни
яратилиши баробарида, Ширин шаҳри
аҳолисига арзон нархларда сабзавот
маҳсулотлари етказиб берилади.
Келгуси йилда эса яна 20 гектар майдон-
да шундай хўжаликлар барпо этилиши
режалаштирилган.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ.

■ Жиззах шаҳридаги “Жиззах ЦУМ” масъулияти чекланган
жамияти фаолиятини кенгайтирди.

Янги қувватлар ўзлаштирилди

— Корхонамиз неги-
зида озиқ-овқат, ме-
бель, уй-рўзғор буюм-
лари билан савдо
қилувчи дўконларимиз
ҳамда автомобилларга
хизмат кўрсатувчи
шоҳобамиз ишлаб

турибди, — дейди жа-
мият раҳбари Холдор
Тугалова. — Яқинда
банкнинг 100 миллион
сўмлик молиявий кўма-
ги билан замонавий
технологик ускуналар
ўрнатилиб, 10 турдан

Улғубек АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ёшлар корхонаси

■ Чортоқ туманининг Гулшан қишлоғидаги
“Ягона юлдуз текстиль” масъулияти чеклан-
ган жамияти маҳаллий ёшлардан 137 нафа-
рини ўз бағрига олди.

Бу ерда қўллаб турдаги тикувчилик маҳ-
сулотлари тайёрланиб, истеъмол бозорига
чиқарилмоқда.

— Қишлоқда саноат корхонаси барпо этиш
юзасидан тайёрланган лойиҳамизни амалга
ошириш учун 297 миң АҚШ доллари миқ-
дорига сармоғи сарфладик, — дейди МЧЖ
раҳбари Зийнатхон Алиева. — Бўш ётган
бино таъмирланиб, бу ерда 22 та махсус
тикув машинаси ва иккита пресслаш

ортик қандолат маҳсу-
лотлари тайёрлаб чиқара
бошладик. Келгусида
соғломлаштириш маж-
муаси ташкил этилиши
ҳам режалаштирилган.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Самарқанд шаҳридаги
Боғи баланд-1 маҳалла-
сида ҳомийлар томони-
дан болалар майдонча-
си қурилиб, у замонавий
аттракционлар билан
таъминланди.

Болалар қувончи

Ҳозир бу имконият-
дан ҳудудда яшовчи 700
га яқин оилалар фар-
зандлари баҳраманд
бўлишмоқда.

— Маҳалламизда соғ-
лом турмуш тарзини
қарор топтиришга ало-
ҳида эътибор қаратаяп-
миз, — дейди маҳалла
фуқаролар йигини раи-
си Қахрамон Собиров.
— Масалан, спорт зали
ҳамда мини-футбол май-
дони ташкил этганмиз.
Янги болалар майдон-
часи барпо этилиши
билан уларнинг сони уч-
тага етди. Бу ерга ўрна-
тилган қурилмалар кич-
кинтойларнинг вақтини
мазмунли ўтказиш, жис-
монан соғлом ривожла-
ниши ҳамда ақлий қоби-
лияти шаклланишида
муҳим ўрин тутди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Иш ўринлари кўпаймоқда

2013 йилнинг дастлабки уч ойида мамлакатимизда
ташкил этилган жами иш ўринларининг

БИР
РАҚАМ
ШАРҲИ

60

фоизи
қишлоқ
жойларда
яратилди.

Иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш
дастури доирасида меҳнат бозорига чора-тадбирларнинг фаол
амалга оширилиши натижасида қишлоқ жойларда минглаб
иш жойлари очилиб, аҳоли бандлиги янада муштаҳамланди.

(Давоми 2-бетда).

Истиқлол сурури

Бир пайтлар дадамнинг "Битта уловимиз йўқ-да, колхоз раисию ҳисобчисига ялинавериб, чарчадим", деганлари сира ёдимдан чиқмайди.

БАХТ ОШЁНИ

Мана, бугун отам, икки ака-ука — барчамизнинг тағимизда машина! Ҳаммаси ўзимизда ишлаб чиқарилган! Энди отамиз машинанинг қайси бирига миншини танлаб, вақт йўқотгани-йўқотган. "Ласетти" яхшими, "Нексия" яхшими?" деб қўйда баъзида. Маҳаллаимиз отахонлари йиғилиб, кунда-кунора гурунлашадиган чойхонамизга ҳам машина миниб борадилар. Ҳозир қўни-қўшиларимизда ҳам Асакада чиққан автомобиллар. Деярли, ҳар бирининг дарвозахонаси олдида "Капитива", "Ласетти", "Кобальт", "Спарк", "Матиз" ярқираб турибди. "Кексалик гапти шу-да, ана энди чинакам хузур-ҳаловат топаемиз, — дейди дадам. — Шукрки, бировга ялинмайдиган бўлди. Бировга ялинмадингми, қаддинг букилмайди, болам. Истиқлол дегани шу-да!"

Бахтиёр АДIZОВ,
Қизилтепа туманидаги
«Қизилтепа висол оқшоми»
хусусий корхонаси раҳбари.

Ўзбекистон «The 2013 Global Family Policy Forum» халқаро анжуманида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Қайд этилганидек, 2012 йилда амалга оширилган "Мустақкам оила йили" Давлат дастури Ўзбекистонда изчил олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг мантиқий давоми бўлди, жорий йили ҳаётга татбиқ этилаётган "Обод турмуш йили" Давлат дастури ҳам қатор ижтимоий масалаларни амалга оширишга, жумладан, оилаларни янада фаровонлаштиришга йўналтирилган. Айтиш жоизки, оила институтини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш ва мустақкамлаш бўйича Ўзбекистон тажрибаси "The 2013 Global Family Policy Forum" иштирокчиларида катта қизиқиш

уйғотди. Тақдимотда сўзга чиққан хорижий мамлакатлар делегацияларининг вакиллари ва экспертлар ижтимоий масалаларни ҳал қилишда бундай чуқур ўйланган ёндашув таҳсинга сазовор эканлигини эътироф этдилар. Улар томонидан билдирилган яқдил фикрларга қараганда, "ўзбек модели" нафақат оилаларни мустақкамлаш масалаларида, балки анъанавий оилавий қадриятларни тарғиб қилиш, аҳолининг кенг қатламлари фаровонлигини юксалтиришда ҳам амалий натижаларга эришиш имконини беради.

«Жаҳон» АА.
Нью-Йорк

Дастлабки маҳсулот

Бухорода хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналар сони яна биттага кўпайди. Вобкент туманида "Хва Пен Винг" қўшма корхонаси иш бошлади. Корхона полиэтилен халталар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ

Мазкур бизнес лойиҳани амалга оширишда маҳаллий тадбиркорлар ҳамда чет эллик ҳамкорлар томонидан жами 150 минг АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфланди. Бу ерга ўрнатилган замонавий линия орқали йилга 200 тонна полиэтилен халта ишлаб чиқариш мумкин. Янги корхонада айна пайтда қишлоқ ёшларидан 10 нафари меҳнат қилмоқда. Улар томонидан тайёрланган дастлабки маҳсулот буюртмачиларга етказилди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Гурлан тумани марказида лойиҳа қиймати 115 миллион сўмлик, нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Оллошукур Маткаримов" хусусий корхонаси иш бошлади.

Гурланнинг ширмой нонлари

Бунинг учун замонавий технологик ускуналар харид қилинди. Ҳозир бу ерда кунга бир тоннадан ортиқ маҳсулот тайёрланиб, гурланликлар дастурхонига тортиқ этилмоқда.

Корхона жамоаси йил охиригача тўлиқ автоматлаштирилган технологиялар ёрдамида 160 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида олиб борилган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

ТАДБИР

Эътироф этилганидек, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида аҳолининг, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, шу билан бирга, уларнинг онги, дунёқарашини ва сиёсий маданиятини юксалтириш, фуқаролик позициясини мустақкамлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин

тутади. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Натижада ўтган давр ичида оммавий ахборот воситаларининг сон жиҳатдан ўсиши кузатилди. Хусусан, 1991 йилда ОАВ умумий сони 395 тани ташкил этган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич 1362 тага етди. Уларнинг 61 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситаларидир. Анжуманда республика

ОАВнинг бугунги ҳолати ва ривожланиш суръати таҳлил этилди. Дарҳақиқат, ахборот соҳасини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ОАВнинг таъсирчанлигини янада оширишга хизмат қилаётди. Айниқса, оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустақкам қонунчилик базасининг яратилгани соҳа тараққиётида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг алоҳида қайд этиш керакки, Агентлик томонидан

худудий газеталар веб-сайтларини яратиш, ёш журналистларнинг малакасини ошириш, айниқса, ижтимоий-сиёсий адабиётлар, маънавий-маърифий китобларни чоп этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Анжуманда мамлакат демократлаштириш ва янгилаш жараёнида ОАВ вакиллари фаол иштироки хусусида ҳам сўз борди. Зеро, уларнинг ҳаққоний, холис сўзи ёшлар дунёқарашини миллий ғоя ва қадриятлар асосида шакллантириш ҳамда уларни четдан кириб келаётган ёт ғоялар таъсиридан, турли ахборот хуружларидан ас-

рашда муҳим аҳамият касб этади. Тадбирда рақамли ахборот технологияларининг соҳага жадал ва тизимли равишда жорий этилаётгани, хусусан, интернетнинг кенгайиб бораётгани натижасида ҳозиргача 250 га яқин веб-сайтлар ОАВ сифатида рўйхатдан ўтказилгани хусусида ҳам ахборот берилди. Анжуман якунида журналистлар соҳада амалга оширилаётган ислохотларни янада кучайтириш борасидаги саволларига атрофлича жавоб олдилар.

Зиёда АШУРОВА.



Обод қишлоқлар — юрт кўрки

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Мажмуадан туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими жой олгани эса айна мудира бўлди. Эндикда оила оstonасига қадам қўяётган ёшлар шу ерда никоҳини расмийлаштириб, Хотира майдонини зиёрат қиладилар, яшил хиёбоннинг латофатидан баҳра оладилар.

— Баъзан қишлоғимизни дунёга кўз-кўз қилгим келади, — дейди Урта Чирчиқ туманидаги "Қумовул" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Хайринисо Мирзажоновна. — Негаки, бир пайтлар пахта далаларидан бошқасини кўрмаган, турмуш ташвишларига ўралашиб кун кечирган ҳамқишлоқларим

истиклол шарофати билан қандай имкониятларга эга бўлгани, қандай шарт-шароитларда яшаётганини ҳамма билиб қўйса, дейман. Фақат шунга эмас. Бундай улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишларини пойтахт вилоятидаги кўплаб қишлоқлар миқдорида ҳам кўриш мумкин. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган иморатлар қишлоқлар кўркига кўрк қўшиб баробарида, аҳоли турмуши фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Айтилик, мазкур жараёнлар бошланган дастлабки йил вилоятнинг 3 та массивида 60 та уй-жой қурилган бўлса, бунёдкорлар ўтган йили худди шундай уйлardan 1200 тасини қишлоқ аҳлига тортиқ этдилар. Умуман, қишлоқ аҳоли пунктларини замонавий лойиҳалар бўйича комплекс қуришга қаратилган дастурга кўра, 2009 — 2012 йилларда вилоятда намунавий лойиҳалар асосида 2 минг 355 уй-жой бунёд этилди.

Бундан ташқари, Обод турмуш йилнинг ўтган олти ойи мобайнида вилоятдаги 100 дан ортиқ қишлоқда 1000 га яқин хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Аҳолининг тоза ичимлик суви, та-

бий газ, электр таъминотини яхшилаш, йўлларни таъмирлаш бўйича мажмуавий чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Муҳими, бу каби хайрли ишлар, янгилашлар қишлоқ одамлари кўнглида хушайфият уйғотмоқда, эртанги кунга бўлган ишончини мустақкамламоқда. Ободлик кўнглидан дахлдорлик хисси, бунёдкорлик иштиёқи эса юрт тараққиётига хизмат қилади. Бугун мамлакатимизнинг тобора гуллаб-яшнаб, раванак топиб бораётганини кўриб, бунга яна бир қарра амин бўламиз.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
Ҳасан ПАЙДОЕВ
(сурачлар),
«Халқ сўзи» мухбирлари.

кенгаймоқда. Шуларни инobatга олган ҳолда, сайёҳлик ва меҳмонхона хизматларининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шаҳар марказида жаҳон стандартларига мос 70 ўринли ҳамда уч юлдузли "Навоий Плаза" ва 18 ўринли "Навоий Техно Плаза" меҳмонхоналари бунёд этилгани бунинг тасдиғидир.

Бугунги кунда, шунингдек, вилоятда мобил телефондан фойдаланувчилар сони 939 минг нафардан, интернетга уланганлар сони эса 73 минг нафардан ортиб кетди. Бу ҳам сервис хизмати бўлган талаб тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Жорий йилда 529 та хизмат кўрсатиш лойиҳасини рўёбга чиқариш учун тижорат банклари томонидан 20 миллиард сўм миқдорига кредит ажратилди. Ҳозирги кунда вилоят аҳлига кўрсатилаётган сервис ва маиший хизматлар тури 850 дан ортиқ.

Мухтасар айтганда, юртимизда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли мазкур соҳанинг жадал ривожланаётгани аҳоли даромадини кўпайтириш ва унинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашга хизмат қилмоқда. Вилоятда йил охиригача тадбиркорларнинг 1525 та лойиҳаси юзага чиқарилиши мўлжалланаётганини ҳисобга олсак, келгусида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайиши аяқол аён бўлади.

Зафар СУЛТОНОВ,
Навоий вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи.

Сервис хизмати:

Истиқболли тармоқнинг катта имкониятлари

Маълумотларга кўра, тараққий этган давлатлар аксариятининг ялпи ички маҳсулотига сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 80 фоизга етган, иқтисодиётда банд аҳолининг 70 фоизига яқини эса шу тизимда меҳнат қилар экан. Бу дунё бўйича тадбиркорликнинг ушбу йўналишига қаратилаётган эътибор ниҳоятда юқори эканлигидан далолат беради.

Ислохот

Қолаверса, хизматлар бозорини такомиллаштириш мамлакат иқтисодиётини мустақкамлашнинг муҳим омил хисобланади.

Мамлакатимизда мазкур соҳада амалга оширилаётган ишлар замирида ҳам шундай мақсадлар мужассам, десак, айна ҳақиқатни бунинг натижасида кейинги йилларда нафақат шаҳарлар, балки чекка қишлоқларда ҳам анъанавий маиший хизмат турлари билан бир қаторда, интернет, мобил телефон алоқаси, компьютер ва бошқа хизмат турларини ўз ичига олган замонавий сервис шохобчалари пайдо бўлмоқда. Бунда Президентимизнинг 2012 йил

10 майдаги "2012 — 2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, соҳа вакилларига бир қатор имтиёзлар берилгани, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу дастурга биноан, хусусан, Навоий вилоятида шу давр ичида 2365 та хизмат кўрсатиш корхонасини фойдаланишга топшириш режалаштирилган бўлса, уларнинг 2043 таси қишлоқ жойларида барпо этилади. Пировадига 2016 йилга бориб, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми 2012 йилдагига нисбатан 2,1 баробар ортиб, унинг ялпи худудий маҳ-

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 9 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмага нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1898,36
1 Англия фунт стерлинги	3121,82
1 Дания кронаси	360,58
1 БАА дирҳами	571,35
1 АҚШ доллари	2098,56
1 Миср фунти	298,59
1 Исландия кронаси	16,62
1 Канада доллари	1983,52
1 Хитой юани	341,89
1 Россия рубли	63,16
1 Украина гривнаси	262,55
1 Малайзия ринггити	653,45
1 Польша злотийси	624,39
1 СДР	3145,49
1 Туркия лираси	1066,94
1 Швейцария франки	2173,32
1 евро	2724,93
10 Жанубий Корея вони	18,21
10 Япония иенаси	207,55

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки олиш мажбуриятини олмаган.

Истиқлол сурури

Хозир мен айтмоқчи бўлган гаплар сизга қизиқ туюлиши мумкин. Аслида, бу — бир хангома.

ҲАММАСИ — ЎЗИМИЗНИКИ!

Тунув кунни бозорга чиқдим. Қўшимнинг ўғли Машариф пойабзал ишлаб чиқариладиган ўзимизнинг қайсидир корхонага дилер бўлибди. Очиғи, дилер нималигини тушунмасам ҳам, лекин берган туфли-сига тан бердим. Авваллари оёқ кийимнинг ичига ёпиштирилган ёрлиғига қараб, туфли сотиб олардик. Лекин чет элиники, деб қўлма-қўл бўлган пойабзал ё оёқни қисарди ё терлатарди ёки кўп ўтмай, устанинг қўлига тушарди. Бугун-чи, бозорга кирсангиз, туфлиларнинг хилма-хиллини кўриб, қайсини танлашни билмай қоласиз. Бари — ўзимизники. Сифати бири-биридан яхши. Нархи ҳам ҳамёнбон.

Шу десангиз, яқинда ўғлимни уйлантирдик, келин туширдик. Наманганнинг костюм-шимиде яшнаб кетди куёв тушмагур. Қаранг-а, туфли ўзимизда чиқса, кўйлак ўзимизда чиқса, костюм-шим ўзимизда чиқса, енгил машинаю автобусдан тортиб, оддий гугуртгача ўзимизда чиқса, зўр мамлакат бўлиб кетдик ўзим. Хўш, айтинг-чи, бундан ортиқ яна нима керак бизга?!

Ражаббой ОТАЖОНОВ,
меҳнат фахрийси.
Ургучи шахри

ИЗЛАНИШ

Миллий иқтисодиётимиз ривожда тўқимачилик саноатининг муносиб ўрни бор. Хусусан, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг бешдан бир қисми мазкур тармоқ ҳиссасига тўғри келиши, саноат соҳасида иш билан банд юрtdошларимизнинг учдан бир қисми айнан тўқимачилик ва тикувчилик корхоналарида меҳнат қилаётгани сўзимизни тасдиқлайди.

Бизнинг корхонамиз штапель толаси ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Маълумки, хозирги кунда полиэфирли толадан пишқ-пухта матолар тайёрлаш кенг фойдаланилади. Штапель толаси ҳам кимёвий таркиби жиҳатидан ана шу муҳим хом ашё тоифасига кириди. Айни пайтда юртимиз тадбиркорлари полиэфирли тола тайёрлаш борасида катта тажрибага эга бўлиб бормоқда. Технологияларнинг мунтаза такомиллаштирилиб борилаётгани ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва сарф-харажатларни камайтириш имконини берапти. Қолаверса, ушбу илгор ускуна ва дастгоҳларнинг атроф-муҳитга зиёни жуда кам.

Айтиш жоизки, полиэфирли тола полиэфир идишларга қайта ишлов бериш йўли билан олинди. Сунъий толаннинг бу тури гижимланмаслиги, офтобда куймаслиги

Ўзаро ҳамкорлик самараси



ҳамда узоқ вақт ўз мустақамлигини сақлаши билан ажралиб туради. Ундан тайёрланган бу-

юмлар эса майинлиги билан эътиборни тортади, осон овилади ва тез куйриди.

Ана шу жиҳатларни инобатга олиб, биз штапель толаси ишлаб чиқариш бўйича бизнес режа тузгандик. Умумий қиймати 2,3 миллион АҚШ долларлик истиқболли лойиҳамиз Миллий банк-

ёрдамида мебелсозлик корхоналарига маҳсулотлар етказиб бера бошладик. Говак тола тайёрлаш ускунаси эса одатда, ёстиқ ҳамда турли халқ истеъмолчи моллари учун янги турдаги хом ашё иш-

нинг Самарқанд бўлими мутасаддиларига маъкул тушди. Шундан сўнг молия муассасаси томонидан 1 074 400 АҚШ доллари миқдорига кредит маблағи ажратилди. Сармолининг миқдоридан энг илгор технологияларни харид қилиб, цехларини таъмирлаш ва таъмирлашда қўлланиладиган ПЭТ флекса чиқариш йўлга қўйилди. Қиздириб уландиган тола тайёрлаш ускунаси

лаб чиқариш имконини берди.

Келгусида корхонамиздаги мавжуд технологик ускуналар тўлиқ қувват билан ишлаб бошлагач, йиллик маҳсулот тайёрлаш ҳажми ўртача 9,1 млн. АҚШ долларига, соф фойдамиз эса ўртача 254 минг АҚШ долларига етади. Бинобарин, жамоамиз сафиде меҳнат қилаётган 70 нафар ишчи-муҳтажаси сафи янада кенгайди.

Айни пайтда маҳсулотларимиз сифатини яхшилаш ва таннархини пайсатириш устида изланишлар олиб бораёямиз.

Соҳиб АКБАРОВ,
«AL Nazar Orzu Servis»
масъул ва раҳбар.

ЯХШИ ХАБАР

Президентимизнинг «Болалар музика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига биноан, Нурота туманида кенг қўлми бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

— Мактабимизни реконструкция қилиш ва жиҳозлашга 1 миллион 315 миллион сўм сарфланди, — дейди тумандаги 5-сон Болалар музика ва санъат мактаби директори Шавкат Каримов. — Хозир синфхоналаримизда барча замонавий қулайликлар муҳайё этилган. Зарур музика асбобларига эгамиз. Бу 170 нафардан зиёд ўқувчиларимиз иқтидорини камол топтиришда, дарс машғулотларини самарали ташкил этишда қўл келаяпти. Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Иқтидор ва рағбат

Реклама ва эълонлар

«JIZZAX MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Мирзачўл тумани СИБ томонидан Жиззах вилояти хўжалик судининг 2013 йил 7 февралдаги 13-1201/16514-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Мирзачўл тумани «Агротехсервис» МЧЖда сақланаётган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган 3 дона «New Holland TC 5060» русумли галла ўрим комбайнлари.

Бошланғич баҳоси — 225 400 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 9 август кунни соат 10.00 да ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача

Манзил: Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 39-уй. Тел: (8-372) 222-35-77. www.rmm.uz.

Гувоҳнома: 004399.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очик аукцион савдосига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖ Андижон филиалида 2013 йил 16 август кунни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулк объекти куйилган:

Андижон шаҳар СИБ томонидан Андижон вилояти хўжалик судининг 2012 йил 27 июлдаги 17-1202/7826-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон шаҳри, А. Мусаев кўчаси, 33-манзилда жойлашган, В-В1-литердаги, қурилиш майдони 445,06 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи биносининг 1/2 қисми ва Е-литерда қурилиш майдони 308,75 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 503 685 239 сўм.

Савдога куйилган мулклар билан тегишли СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади. Юқоридаги мулк ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур

мулкни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий савдолар 2013 йил 6 сентябрь ва 27 сентябрь кунлари бўлиб ўтади. 2013 йил 16 август кунги аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар қабул қилишнинг охириги мuddати 2013 йил 14 август кунни соат 18.00 гача, 6 сентябрь кунги савдо учун талабгорлардан аризалар қабул қилишнинг охириги мuddати 4 сентябрь кунни соат 18.00 гача, 2013 йил 27 сентябрь кунги савдо учун талабгорлардан аризалар қабул қилишнинг охириги мuddати 25 сентябрь кунни соат 18.00 гача.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» Мирзо Улугбек филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003 МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Андижон шаҳри, Миллий тикланиш кўчаси, 36-уй, 3-қават. Телефон: 224-62-19.

Лицензия: № RR-0017.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ

қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари, реактивлар ва тиббий буюмларни марказлаштирилган асосда ўтказилган тендер савдоларида ўйналмаган дори воситаларига танлов эълон қилади.

Танлов комиссияси ишчи органининг номи ва манзили:

Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, 130000, Қарши шаҳри, Хонобод катта йўли, 28-уй. Телефон: (8-375) 223-01-60. Факс: (8-371) 223-03-65. E-mail: qashqadaryo.ssb@minzdrav.uz.

Республика молия вазирлиги газначилиги, газна х/р: 23402000300100001010.

Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси ХҚММ, МФО: 00014, СТИР: 201122919, Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ш/х: 400121860104017950100054007, СТИР: 202445998, ОКОНХ: 97400.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларида таклиф этади.

Савдога куйидаги кўчмас мулклар куйилмоқда:

1. Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 2013 йил 11 февралдаги 11-12227/15804-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Қумбул» ҚФЙ, Паркент тракт кўчаси, 15-уй.

Бошланғич баҳоси — 1 900 000 000 сўм.

2. Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 21 январдаги 425-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қоронқўл кўчаси, 84-уй.

Бошланғич баҳоси — 357 973 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 25 июль кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

3. Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 2013 йил 12 июндаги 51850/17-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Қорасув 4-мавзе, 41-уй.

Бошланғич баҳоси — 1 860 000 000 сўм.

4. Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 3 июндаги 16555-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, Олой бозори савдо мажмуаси ичида жойлашган «Б» блоки.

Бошланғич баҳоси — 969 839 417 сўм.

5. Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 3 июндаги 16555-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, Олой бозори савдо мажмуаси ичида жойлашган «А» блоки.

Бошланғич баҳоси — 484 088 920 сўм.

6. Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 3 июндаги 16555-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси,

Олой бозори савдо мажмуаси 2-қаватида жойлашган савдо дўкони.

Бошланғич баҳоси — 786 801 556 сўм.

7. Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 27 майдаги 16280-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 9-мавзе, 7-уй, 35-хонадон.

Бошланғич баҳоси — 43 600 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 12 август кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар кунни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланғич баҳоси билан бир иш кунни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Realtor garant business» МЧЖнинг «Ипотека-банк» АТИБ Шайхонтохур филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО: 00425, СТИР: 207125885. Аукцион қолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк кунни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-квартал, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: (8-371) 212-89-55.

Лицензия: RR-0052.




Моторные масла и антифризы

«PRISTA»

Очевидное превосходство!

TEL: (+99871) 120-67-76
FAX: (+99871) 120-66-88
e-mail: info@prista-oil.uz
www.prista-oil.com



товар сертифицирован

7158/425

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

ПЛАТ КУВУРЛАР

ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга такдим этади (нархлар ҚҚС билан кўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР —
ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР —
ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЛАТ КУВУРЛАР —
ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЛАТ КУВУРЛАР —
ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75, қалинлиги 0,3-0,9 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

Иштиқлол сурури

Аббосбек Махситалиевни баъзилар Испаниянинг "Барселона" клуби ярим ҳимоячиси Андрес Иньестага, яна бошқалари эса Англиянинг "Арсенал" жамоаси моҳир ўйинчиси Томаш Росицкига ўхшатишса, мен "Йўқ, бу ўзимизнинг Аббосбек", дейман.

ФОЛИБЛИК БИЗГА ЯРАШАДИ

Чунки унинг маҳорати асло бирон-бир футболчиликка ўхшайди. Яқинда ёшлар ўртасида ташкил этилган жаҳон чемпионатида Аббосбек урган голни кўриб, бутун стадион ларзага келди. Ана, ўзбекининг боласи! Мана, Ўзбекистон футболнинг келажаги!

Қолаверса, Ришод Собиров деса, ёшларимизнинг гурулданиши айтмайсизми? Рустам Қосимжонов аллақачон спортимиз фахрига айланиб улгурган. Спортчи қизларимиздан Гўзал Хубиева, Нафиса Мўминова, Жамила Раҳматова қабиладан номлари нафақат Осиё, балки жаҳонда машҳур. Президентимиз ҳақ гапни айтган: "Спорт бизни дунёга танитапти".

Мана, қишлоғимиз мисолида айтай. Яқинда стадион қуриб берилди. Бу ерда ўғил-қизларимиз спорт билан шугулланыпти. Маҳалладошларимиз қизларини гимнастикага беришмоқда. Эҳ-ҳе, бундай қулайлиги имкониятларни санаб, адоғига етолмайсиз. Шу ҳақда ўйлаганда, қишлоғимиздан ҳам яқин йиллар ичида чемпионлар чиқишига ишончим ортади. Аслида, бунинг ҳеч бир ажабларли жойи йўқ. Ахир Ўзбекистон — полонлар Ватани, чемпионлар юрти-ку!

Эшиқи БҮРХОНОВ,
Чирчиқ туманидаги
34-мактаб ўқитувчиси.

Сайқал топган қадриятлар

Хунармандчилик миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисмидир. Ота-боболаримиздан мерос ушбу фаолият тури бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Айниқса, кейинги йилларда мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилаётган эътибор тўғрисида хунармандларимиз меҳнати, чин маънода, қадр топмоқда.

ХУНАРМАНДЧИЛИК

Халқимизнинг бетақдор хунармандчилик намуналари маҳоратли ва зукко ёшларимиз томонидан севиб урганларимиз эса янада қувонарлидир. Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантириш йўналишида" қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони, айтиш мумкин, ушбу йўналишдаги ишларга пухта замин яратди, — дейди "Хунарманд" уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармачиси бошлиғи Нургул Нағметова. — Чунки мазкур Фармонга кўра, барча туман ва шаҳарларда уюшма бўлими фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, ҳар бир қишлоқ, ҳар бир фуқаролар йиғинидан ўн нафардан хунарманд бошқарма аъзоллигига қабул қилиниб, уларга солиқ ва божхона тўловлари борасида имтиёзлар берилди. Буларнинг бари аждодларимиздан мерос касб намуналарини ёшларга ўрта-



Хосан ПАЙДОЕВ олган сурат.

тиш, миллий қадриятларимиз боқийлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, бошқарма қошида "Маҳорат мактаби" ўқув маркази ташкил этилгани бу ерда билим олаётган ёшларнинг иқтисодини сайқаллашда қўл келмоқда. Бинобарин, имтиёзли кредит олишларида амалий қўмақ берилган уларнинг мустақил иш-

юритишлари учун айна мударо бўлаётир.

Ҳозирги пайтда Оролбўйидаги 200 га яқин хунарманд бошқарма аъзоллигига қабул қилинган. Уларнинг 69 нафарини хотин-қизлар, 70 га яқинини эса ёшлар ташкил этади.

— Ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, дурадорлик, тикуччилик, сантарошлик каби фао-

лият турлари билан шугулланётган 25 нафар хунармандимиз меҳнати тахсинга лойиқ, — дейди бошқарманинг Кўнжирот тумани бўлими етакчиси Зиёда Мадиярова. — Негаки, улар кўпгаб танлов ва фестивалларда муваффақиятли иштирок этиб келишапти. Масалан, "Ташаббус" кўриктанловининг жорий йили Қорақалпоғистон Республикаси босқичида "Ватаним — менинг фахрим" номинацияси бўйича г'олиб бўлди. Яқинда Навоийда бўлиб ўтган "Асрлар садоси" фестивалида ўзимиз тикан миллий қийимлар, кўроқ кўрпачалар каби маҳсулотларимиз билан қатнашиб, кўпчилигининг эътирофини қозондик. Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Маданий анъаналар ва миллий таомлар" ўн биринчи халқаро фестивалида ҳам диплом билан тақдирландик.

Филиал қошидаги "Зиёда" тикуччилик корхонасида касб-хунар коллежларини битирган, тикуччиликка қизиқувчи 10 нафар қиз доимий иш билан таъминланган. Шу билан бирга, "Устоз — шогирд" маҳорат мактабидида уйда ўтирган хотин-қизлар тикуччилик сир-асрорларини ўрганишмоқда.

Хидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

куйидаги профессор-ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилади:

- **Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси:** кафедра мудири, профессор, доцент.
- **Пенсия ва сугурта иши кафедраси:** кафедра мудири.
- **Инвестициялар кафедраси:** доцент, катта ўқитувчи.
- **Банк иши кафедраси:** доцент.

Барча профессор-ўқитувчи лавозимларига (кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи) номзодларни танлашда дунёнинг етакчи хорижий университетлари ва илмий марказларида тахсил олган (стажировка ўтган ёки малака оширган) ҳамда илгор хорижий таълим стандартлари ва технологияларини пухта эгаллаган, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда инглиз тилидан педагогик ва илмий тадқиқот фаолиятида эркин, амалий фойдаланиш имкониятига эга бўлган, ўз мутахассислиги фанининг замонавий илмий-назарий, методологик ва амалий муаммолари ҳамда ривожланиш тенденцияларини чуқур ўзлаштирган шахсларга алоҳида эътибор қаратилади.

Кафедра мудири лавозими танловида тегишли ихтисослик бўйича фан доктори ёки номзоди илмий даражали, профессор ёки доцент илмий унвонли шахслар иштирок этишлари мумкин.

Профессор лавозими танловида тегишли ихтисос-

лик бўйича фан доктори ёки фан номзоди илмий даражали, профессор ёки доцент илмий унвонли ҳамда камида беш йиллик илмий-педагогик стажли кафедра фанлари бўйича таълим тизимида танилган нуфузли дарслик, ўқув қўлланмалари ва ўқув-услубий мажмуалар муаллифи бўлган олий маълумотли шахслар қатнашиши мумкин.

Доцент лавозими танловида тегишли ихтисослик бўйича илмий даражали, илмий унвонли камида уч йил илмий-педагогик стажли, кафедра фанлари бўйича ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий мажмуалар ва ўқув дастурлар муаллифи бўлган олий маълумотли шахслар қатнашиши мумкин.

Катта ўқитувчи лавозими танловида олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис), шунингдек, илмий даража ва илмий унвонга эга бўлган ҳамда бундай даража ва унвонга эга бўлмаган, камида икки йил илмий-педагогик стажли шахслар қатнашиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар:

- ректор номига ариза;
- кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
- дипломлар ва аттестатлари нусхалари;
- илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати;
- малака оширганлик тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаларини топширишлари шарт.

Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй.

Маълумот учун телефонлар: (8-371) 237-54-53, 237-53-61, 237-54-09.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 13 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар кўйилмоқда:

I. Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2012 йил 22 октябрдаги Ш1/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 10-мавзе, 75-сонли автомобиллар тураржойи ёнида жойлашган, умумий майдони 198 кв.м. бўлган, «Г» автоюловларни ювиш шохбаси ва «Д» омборхона савдога қўйилган.

Бошланғич баҳоси — 65 000 000 сўм.
II. Олмазор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг 2012 йил 26 декабрдаги ҳукмига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор Ц-17/18 мавзеси, 4-уй, 61-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 87,85 кв.м., яшаш майдони 55,59 кв.м. бўлган 4 хонали уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 114 461 000 сўм.
2013 йил 30 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар такронан кўйилмоқда:

I. Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 12 ноябрдаги УКС-1-431/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чимкент кўчаси, 9-уй, 40-хонадонда

жойлашган, умумий майдони 85,64 кв.м. бўлган, 4 қаватли уйнинг 4-қаватидаги таъмирталаб 4 хонали уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 152 538 000 сўм.

II. Юнусобод тумани суд ижрочилар бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 1 декабрдаги 1-576/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Ш. Қозоқбоев кўчаси, 126-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 832 кв.м. бўлган икки қаватли уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 337 682 696 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати қолами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Аукцион г'олиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбег кўчаси, 18-уй.
Телефон: (8-371) 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

● Реклама ва эълонлар ●

«ELITE STARS TEXTILE» МЧЖ

томонидан тadbиркорларга таклиф!

Жамият томонидан ишлаб чиқарилаётган куйидаги маҳсулотларни сотиш мақсадида ҳамкорликда ишлашга таклиф этади:

Ип калаваси:

- Nm 34/1 ип калава;
- Nm 34/1 ип калава (не стандарт);

Пахта чқиндилари:

- Стандарт-1 (мычка);
- Стандарт-3 (очёс трёпальный);
- Стандарт-3/1 (орешек трёпальный);
- Стандарт-7 (очёс кардный);
- Стандарт-33 (пух);
- Стандарт-36 (путанка);

Маълумот учун ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаменти Ночор корхоналар билан ишлаш бошқармасига мурожаат этишингиз сўралади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 3-уй.
Телефонлар: (+99871) 120-36-04,
(+99890) 969-90-98.
Факс: (+99871) 120-45-64, 120-36-29.
uzpsbinvest@gmail.com psbinvest@gmail.com

Корхона манзили: Қорақалпоғистон Республикаси, Ҳўжайли тумани, Дўстлик кўчаси, 55-уй.
«Elite Stars Textile» МЧЖ, телефон: (+99891) 376-25-45,
факс: (8-361) 554-21-10. elitestarstextile@mail.ru

Бухоро вилояти

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ

фармацевтика фаолиятига лицензияси бўлган ва ўрнатилган тартибда қайд этилган фирма ҳамда ишлаб чиқарувчиларни қишлоқ врачлик пунктлариға марказлашган ҳолда дори воситалари, tibбий буюмлар ва реактивлар сотиб олиш учун 2013 йил 14 августда ўтказиладиган очиқ тендер (ретендер) савдоларига таклиф этади.

Мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қончилигига асосан, нарх-наво преференциялари бериллади.

Тендер (ретендер) таклифларини тендер комиссиясининг Ишчи гуруҳига куйидаги манзил бўйича юборишингиз сўралади.

Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Абдуҳолик Ғиждувоний кўчаси, 7-уй,

Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ш/х: 400121860064017950100054034, СТИР: 201512148, ОКОНХ 97400.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилик бошқармаси,

Ҳисоб рақами 23402000300100001010, Тошкент шаҳри, Марказий банк,

МФО: 00014, СТИР: 201122919.

Тел.: (+99865) 223-11-08, 223-03-15.

Факс: (+99865) 223-06-16, 223-38-10.

E-mail: bukhara@med.uz

Тендер (ретендер) ҳужжатларини сотиб олиш баҳоси — 100 000 сўм.

Тендер (ретендер) иштирокчилари, ишчи гуруҳга ўз таклифи ҳамда ташкилотнинг квалификацияон ҳужжатларини конвертга жойлаштирган ҳолда 2013 йил 13 август, маҳаллий вақт билан соат 18.00 гача тақдим этишлари лозим.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси кадрлар бўлими инспектори Мавлуда Далибаевага турмуш ўртоғи **Зокиржон ДАЛИБАЕВИННГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 78 179 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турун» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.55 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонучилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Таҳриятта келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳрият жавобгар эмас.
Газета таҳрият компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзинова.
Навбатчи — С. Махмутов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.